

МАКТАБДА ЭЛЕКТР ТОКИ ҚОНУНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ИЛМИЙ БИЛИШ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Захидов Иброхимжон Обиджонович

Наманган давлат университети Физика ўқитиши методикаси кафедраси доценти

Абдуллажонов Бекмурод Элмурод ўғли

Бекмирзаев Шахбоз Фозилжон ўғли

Наманган давлат университети Физика факультети талабалари

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7407774>

Аннотация. Уишиб мақолада ўқувчиларга электр токига оид қонунларни ўқитишида ток кучи, электр кучланиши ва қаршилигини белгиланиши ва ифодаланашига доир маълумотлар бериш билан уларнинг илмий билиш қобилиятларини ривожлантириши йўли кўрсатиб берилган.

Калим сўзлар: физика, дидактик таъминот, электр қонунлари, электр токи, ток кучи, электр кучланиши, потенциаллар фарқи, электр қаршилиги, илмий дунёқараши, физик билимлар.

РАЗВИТИЕ СПОСОБНОСТИ НАУЧНОГО ПОЗНАНИЕ УЧЕНИКОВ ПРИ ОБУЧЕНИИ ЗАКОНЫ ЭЛЕКТРИЧЕСКОГО ТОКА В ШКОЛЕ

Аннотация. В данной статье указаны пути развития научного познание учеников передавая информацию об обозначении и выражение величины сила тока, электрическим нараяжении и электрическим сопротивлении при обучении законы электрического тока.

Ключевые слова: физика, дидактическая обеспечение, законы электрического тока, электрический ток, сила тока, электрическая напряжения, разность потенциалов, электрическая сопротивления, научная мировоззрение, знании относящихся к физике.

DEVELOPING THE ABILITY OF SCIENTIFIC KNOWLEDGE OF PUPILS WHEN TEACHING THE LAWS OF ELECTRICITY AT SCHOOL

Abstract. This article indicates the ways of developing the scientific knowledge of students by transmitting information about the designation and expression of the value the electric current, voltage and electrical resistance when teaching the laws of electric current.

Keywords: physics, didactic software, laws of electric current, electric current, current strength, electric voltage, potential difference, electric resistance, scientific outlook, knowledge related to physics.

КИРИШ

Дунё мамлакатларида барча фанларни, шулар қаторида физика фанини фанлараро ўқитишида, аввало ўқитувчининг физика курси ва унга алоқадорлик фанлари бўйича билимини ривожлантириш ва ўқув жараёнини такомиллаштиришда замонавий таълим методларидан самарали фойдаланиш асосий масалалардан бири сифатида қаралиб, бу соҳада қўплаб илмий- тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Физика курсини ўқитишида инновацион методлардан фойдаланиш ва физика таълими жараёнига татбиқ қилиш, ўқувчиларнинг физиковий дунёқарашини (тафаккурини) ривожлантириш йўллари ва дидактик таъминотини шакллантириш (яратиш) ва уни ривожлантириш орқали ўқитиши технологияларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси жаҳон иқтисодий - сиёсий, илмий -технологик ва маданий-маърифий интеграциясига мустақил ва фаол субъект сифатида қўшилишга интилмоқда. Шу нуқтаи - назардан Ўзбекистонда табиий фанлар ва айниқса, математика, физика фанини ривожлантириш мамлакатимиз учун стратегик аҳамиятга эга [1,2,3].

МЕТОДЛАР

Мамлакатимизда электр энергияни ишлаб чиқариш йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу электр энергияни тежаш зарур эмас, деган маънони билдирамайди. Аксинча, электр энергиядан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланиш, уни истеъмол қилиш ҳаммамизнинг бурчимиздир. Шунингдек электр энергиядан фойдаланилганда бу рангсиз, таъмсиз ва ҳидсиз, айни пайтда киши организмига хавфли бўлган электр токининг хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш зарурияти ҳам туради. Бизлар юқоридаги вазифаларни бажарар эканмиз аввало электр токига доир билим ва қонунларни яхши билишимиз ва улардан истеъмол жараёнида оқилона, хавфсиз фойдаланишимиз ва хавфсиз фойдаланишга ўргатишимиш керак бўлади. Бунда бизга мактаб физика фани машгулотларида олган билим ва кўникмаларимиз асос бўлади.

Биз электр токи қонунларига доир мавзуларни ўрганишда дарсликда берилмаган ва ўқувчининг билимини оширувчи қўшимча материаллардан фойдаланишни тавсия этамиз.

Умумий ўрта таълимнинг 8-синфи дарслида “Электр токи” бобида қуйидаги мавзулар ўрганилади: “Электр токи ҳақида тушунча”, “Ток манбалари”, “Металларда электр токи”, “Электр кучланиш ва уни ўлчаш”, “Ток кучи ва уни ўлчаш”, “Электр занжирни йиғиши, унинг турли қисмларидаги ток кучи ва кучланишни ўлчаш (лаборатория иши)”, “Электр қаршилик”, “Занжирнинг бир қисми учун Ом қонуни”, “Амперметр ва вольтметр ёрдамида ўтказгич қаршилигини аниқлаш (лаборатория иши) [4]. Ушбу мавзуларни ўрганиш жараёнида ток кучи I , кучланиш U ва қаршиликни R ҳарфлари билан белгиланишини тушунтириб кетилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

НАТИЖАЛАР

Ток кучи. Оқимнинг анъанавий белгиси I , у французча *intensite de courant* ёки инглизча жорий интенсивлик (Current intensity) иборасидан келиб чиқсан. Бу ибора тез-тез электр токининг қийматини муҳокама қилишда, айниқса эски матнларда қўлланилади. Замонавий амалиётда кўпинча буни оддийгина жорий деб қисқартирилади, аммо интенсивлик ҳали ҳам кўплаб янги дарсликларда қўлланилади. І белгисидан Андре-Мари Ампернинг ўзи фойдаланган, электр токининг бирлиги унинг номи билан аталган, уни 1820 йилда кашф этган. Ампернинг шу номдаги куч қонунини шакллантиришда ушбу белгиланиш қабул қилган, лекин айрим журналларда эса ток кучи 1896 йилгача С билан белгиланган [5].

Электр кучланиши. Кучланиш - бу электр занжирининг қувват манбаидан зарядланган электронларни (оқим) ўтказувчи ҳалқа орқали итарувчи босимдир, бу уларга ёруғликни ёритиши каби ишларни бажаришга имкон беради. Қисқача айтганда, кучланиш - босим ва у волтда (V) ўлчанади. Бу атама галваник элемент ихтиорчиси, замонавий майший аккумуляторнинг асосчиси италян физиги Алессандро Вольта (1745-1827) шарафига қўйилган.

Электр токи эндигина кашф қилиган вақтларда, кучланишни электр юритувчи куч (ЭЮК) деб аталган (Electromotive force (EMF)). Шунинг учун, Ом қонунини ифодалашда кучланишни E (ϵ) билан белгиланган.

Кучланиш ва “потенциаллар фарқи” атамаси кўпинча бир-бирининг ўрнига ишлатилади. Потенциаллар фарқи занжирнинг икки нуқтаси орасидаги потенциал фарқини аниқлашда ишлатилади. Потенциал фарқнинг катталиги (вольтларда ифодаланади) электронларни маълум бир нуқтадан иккинчисига ўтказиш учун қанча потенциал энергия мавжудлигини ифодалайди. Миқдор жиҳатдан занжирда қанча иш бажарилиши мумкинлигини аниқлади.

Масалан, майший ишқорий батареяси 1,5В ни кучланишга эга. Одатий уй электр розеткалари 220В ни ташкил қиласди. Занжирдаги кучланиш қанчалик катта бўлса, унинг кўпроқ электронларни “суриш” яъни иш бажариш қобилияти шунчалик юқори бўлади.

Кучланиш - потенциаллар фарқини энг қуий қисмida жўмраги бор сув тўлдирилган идиш билан солишириш мумкин. Идишнинг ҳажми қанчалик катта бўлса ва унинг баландлиги қанчалик баланд бўлса, жўмрак очилганда сув (шунингдек электронлар) оқиши эҳтимоли ва тезлиги шунчалик юқори бўлади [6].

Қаршилик - бу электр занжирида оқаётган оқимга қаршилик кўрсаткичи. Қаршилик Омларда ўлчанади, бу юонча омега (ом) ҳарфи билан белгиланади. Омлар кучланиш, оқим ва қаршилик ўртасидаги муносабатни ўргангандемис физиги Георг Симон Ом (1784-1854) шарафига номланган. У Ом қонунини ишлаб чиқсан.

Электр қаршилик - электр занжири (ёки занжир бир қисми)нинг электр токка кўрсатадиган акс тасирини ифодалайдиган физик катталик бўлиб, Омларда ўлчанади. Электр қаршилик электр энергиясининг бошқа тур энергияга айланишига боғлиқ; электр энергияси ўзгармайдиган жараёндаги электр қаршиликни актив қаршилик, ток манбаи энергияси электр ёки магнит майдонига узатиладиган жараёнлардаги электр қаршиликни реактив қаршилик дейилади.

R- Электр қаршилик, Ом (Ω); U - Волт (В); I - Ампер (А) [7].

МУНОЗАРАЛАР

Умумумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларнинг ижодкорлик, илмий билиш фаолиятларини ривожлантиришга йўналтирилган замонавий таълим технологияларини фанлараро интерфаол ўқитиш методлари асосида такомиллаштиришда илмий тадқиқот ишларини амалга оширишнинг педагогик-дидактик имкониятлари тобора кенгайиб бормоқда.

Кейинги йилларда таклиф этилаётган янги педагогик технологиялар, уларнинг элементлари ва амалга ошириладиган ҳар қандай тадқиқотлар ҳаёт билан ҳамнафас, ўқувчининг мустақил ишлаш ва изланишини таъминласа, таълим, фан ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиласди, янги такомиллашган технологияларни яратадиган кадрларни етишишириб чиқаради [8, 9, 10, 11, 12].

Физик билимлар мактаб ўқувчиларининг илмий дунёқарашини бойитади, уларга аниқ материал беради, кейинчалик синфдан ташқари ишларда илмий тушунчалар ва умумлашмаларни шакллантириш, илмий қонуниятларни очиш учун фойдаланилади. Бунда юқоридаги каби айнан физик қонун ва ҳодисаларни тушунтиришда тарихий ва физик белгиларнинг кенг маънода изоҳланиши ўқувчиларни мустақил ишлашга, изланишга бўлган интилишларига ёрдам беради деб хисоблаймиз.

ХУЛОСА

Физика таълимининг аҳамияти унинг фан - техника ва технология тараққиётида, ишлаб чиқариш соҳалари ва кундалик ҳаётда тутган ўрни билан белгиланади.

Умумий ўрта таълим мактабларида физика фанини ўқитиши ўқувчиларнинг ҳаёлий тасаввурлари билан амалий фаолиятларини умумлаштириш орқали ҳам амалга оширилади. Физик билимларни амалда қўллай олиш, қонуниятларни қай тарзда очилганлиги, ўрганилаётган билимларнинг мазмун моҳиятини тўла қонли ўрганиш, ўқувчининг билиш салоҳиятини шакллантиради ва ривожлантиради.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон. Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 майдаги “Математика-физика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4708-сон Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 марта даги “Физика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-5032-сон Қарори.
4. Xabibullaev P.Q. va boshqalar. Fizika. Umumiy o‘rta ta’limning 8-sinfi darsligi. “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti Toshkent-2014.
5. <https://skysmart.ru/articles/physics/sila-toka>
6. <https://www.fluke.com/en-us/learn/blog/electrical/what-is-voltage>
7. https://uz.wikipedia.org/wiki/Elektr_qarshilik
8. Zokhidov I. O. et al. Theme and interdisciplinary connections in teaching sound phenomena on the course of physics for the 6th grade //Новые педагогические исследования. – 2020. – С. 8-10.
9. Умаров А. О. и др. 8-СИНФ ФИЗИКА КУРСИНИНГ “ЭЛЕКТР ҚАРШИЛИГИ” МАВЗУСИГА “C++” ДАСТУРИНИ ҚЎЛЛАБ ЎҚИТИШ //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 6. – С. 1129-1134.
10. Umarov A., Zohidov I. TEACHING CHAPTER «ELECTRIC RESISTANCE» 8th-CLASS, PHYSICS COURSE //Збірник наукових праць ЛОГОС. – 2020. – С. 110-114.
11. Alizhanov D. A., Zokhidov I. O. Teaching in Physics “Electrical Instruments in the House”. Saving Electricity //Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry (TOJQI). – 2021. – Т. 12. – №. 9. – С. 6107-6112.
12. Алижанов Д. 6-синф физика курсида модда тузилишини ўқитиши орқали ўқувчиларда илмий фикрлашни ривожлантириш йўллари //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 3/S. – С. 15-19.